

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридиневич
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМЙИ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМЙИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМЙИ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМЙИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҚИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAКAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Фазилят Нормуродовна Тургунова,
 Камолиддин Бехзод номидаги
 Миллий рассомлик ва дизайн институти
 таянч докторанти
 E-mail: jasur184@list.ru

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

For citation: Fazilat N. Turgunova, DEVELOPMENT OF THE ACTIVITY OF THE MUSIC AND DRAMA THEATER OF THE SYRDARYA REGION. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.142-146

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072223>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ҳар бир халқнинг миллий театри ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганлиги ёки тайёр ҳолда, бирданига четдан кириб келмаганлиги асосланган. Аксинча, бу санъат ҳар қайси халқнинг туб маънавий эҳтиёжлари туфайли пайдо бўлган, унинг дунёга, табиатга, ижобий ва салбий жараёнларга муносабатининг ўзига хос кўриниши сифатида шаклланган ноёб қадрият эканлиги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри мисолида кўрсатиб берилган. Хусусан, Сирдарё вилояти мусиқали драма театри тарихи, фаолияти ва шу билан бирга йиллар давомида театрда саҳналаштирилган спектакллар ҳамда уларда роль ижро этган актёрлар фаолияти ҳақида кенг қамровли маълумотлар ёрилитган.

Калит сўзлар: театр, спектакль, миллий ва классик асарлар, ижодий синтез, симфоник оркестор.

Фазилят Нормуродовна Тургунова,
 Докторант (PhD)Национальный институт
 художеств и дизайна
 имени Камолиддина Бехзода
 E-mail: jasur184@list.ru

РАЗВИТИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЫКАЛЬНО-ДРАМАТИЧЕСКОГО ТЕАТРА В СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья основана на том, что национальный театр каждого народа не возникал сам по себе и не приходил в готовом виде. Наоборот, это искусство представляет собой уникальную ценность, возникшую в силу основных духовных потребностей любого народа, сформировавшуюся как уникальное проявление его отношения к миру, природе, положительным и отрицательным процессам, как это показано на примере музыкально-драматического театра Сырдарьинской области. В частности, освещены исчерпывающие

сведения об истории и деятельности Сырдарьинского областного музыкально-драматического театра, а также о спектаклях, поставленных в театре в разные годы, а также о деятельности игравших в них актеров.

Ключевые слова: театр, спектакль, народные и классические произведения, творческий синтез, симфонический оркестр.

Fazilat N. Turgunova,
Doctoral (PhD) of the National Institute of Fine art
and design named after Kamoliddin Bekhzod
E-mail: jasur184@list.ru

DEVELOPMENT OF THE ACTIVITY OF THE MUSIC AND DRAMA THEATER OF THE SYRDARYA REGION

ABSTRACT

This article is based on the fact that the national theater of each nation did not appear on its own or came ready-made. On the contrary, this art is a unique value that arose due to the basic spiritual needs of any nation, formed as a unique manifestation of its attitude to the world, nature, positive and negative processes, as shown by the example of the musical drama theater of the Syrdarya region. In particular, comprehensive information about the history and activities of the musical drama theater of the Syrdarya region, as well as the performances staged in the theater over the years and the activities of the actors who played in them, has been covered.

Index Terms: theater, performance, national and classical works, creative synthesis, symphonic orchestra

1. Долзарблиги:

Инсониятнинг неча минг йиллик тараққиёт тажрибаси шундан далолат берадики, жаҳондаги ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси унинг нафақат моддий ва иқтисодий соҳада эришган ютуқлари, айтиб вақтда маданий ва маънавий юксалиши билан ҳам белгиланади. Бугунги кунда ер юзидаги халқларнинг маданий, маънавий тараққиёт даражасини ифода этадиган энг муҳим йўналишлар ҳақида сўз юритганда, бошқа омиллар қатори театр санъати ҳам, ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда тилга олинади.

Театр юксак таъсир воситасига эга санъат туридир. Табиий равишда бир миллатнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари ва қадриятларини сақлаб қолиш ва кейинги авлод вакилларига таъсирчан шаклда етказиш учун айнан спектакллардан фойдаланиш лозим.

Театрнинг маданий мақомини белгилаш, бу борада айнан анъанавий ва миллий тенденциялар хусусида фикр юритиш ўртага ташланган масаланинг метадологиясига таъсир этади. Миллий ва классик асарларнинг ўзига хос воситалари бўлган тарихий жараёнлар, спектакллар, адабий асос ва ижодий синтез каби масалаларни онгли равишда таҳлил қилиш ҳар бир санъаткор ёки ижодкор учун долзарб вазифадир. Умуман олганда театрда тарихий ва миллий асарларга мурожаат этиш, уларни кенг жамоатчиликка топшириш масалаларига оид уммий тажрибалар ва эндиликдаги қарашлар хусусида ўзига хос тизим ва қоидалар, амалий тажрибадан ўтган вазиятлар кейинги авлод театри ривожини учун ўз ҳиссасини қўшади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

XX асрнинг ўрталарига қадар Сирдарё вилоятида ҳам бошқа вилоятлар сингари колхоз-совхоз театри, ундан сўнг халқ театрлари фаолият кўрсатиб, турли томошалари, спектакллари билан меҳнаткашларга хизмат қилди. 1975 йилга келиб эса вилоятда профессионал театр иш бошлади. Ўша йилнинг 26 сентябрь санасида Гулистон шаҳридаги Яшил театр биносига Сирдарё вилоят ўзбек Давлат мусикали драма театрининг тантанали очилиш маросими бўлган. Бу чўлда яна бир чироқ марифат чироғи ёқилган кун. Инсон маънавий етуқлиги нишонларидан бири унинг эстетик маданиятидир. Бироқ, халқ оммани эстетик тарбиялашнинг шакл ва воситалари хилма хил. Инсон аввало меҳнатга ижодий муносабатлар муҳитида ана шундай тарбия топади. Гулистон шаҳрида театр очилган кундан

бошлаб, А.Островский (хозирги Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти) номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти мусикали драма актёри факультетини тамомлаган талабалар таланти ёшлар таклиф қилина бошлайди. Театр хузурида ташкил этилган хор, балет группалари миллий халқ чалғу асбоблари ва симфоник оркесторда ишлаш учун Тошкент Давлат Консерваторияси маданий оқартув техникуми, пойтахт хорографияси, мусика билим юртларидан етук мутахассислар жалб қилинади.

3.Тадқиқот натижалари:

Сирдарё театрининг илк намоиши Абдулла Қаҳҳорнинг “Муҳаббат” қиссаси асосидаги спектакль ва Узеир Ҳожибековнинг “Аршин-моллон” мусикали комедияси бўлди. Спектакллардаги ролларни театрнинг илк қалдирғочлари Матлуба Ражабова, Азиз Усмонов, Мунаввара Абдуллаева, Маҳмуд Маматхонов, Шариф Жумаев, Акмал Азизов, Гулнора Раҳматова, Солижон Мирзаев, Озода Абдуллаева, Рустам Ҳамдамов, Ақида Хайитова, Шароф Бошбеков, Тўлкиной Қосимова, Хазрат Жумаев ва бошқалар маҳорат билан ижро этдилар.

Сирдарё театри 1977 йилдан бошлаб машҳур санъаткор, халқ артисти Олим Хўжаев номи билан аталди.

1980 йилда театр дунё драматургияси фахри бўлмиш В.Шекспирнинг “Ричард III” трагедиясини сахнага олиб чиқган. Бу спектаклни театр мухлислари катта қизиқиш, муҳаббат билан қабул қилинган.

Театрнинг бош режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳкам Маҳамедов бу даргоҳда йигирма бир йил ишлаб, театрнинг камоли ёши билан эмас, ижодий изланиши билан белгиланган. 1981 йили Маҳкам Маҳамедовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди. Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти Ўзбек давлат мусикали драма театри республикамиздаги энг кенжа санъат кошоналаридан ҳисоблансада, бу ерда амалга оширилаётган ижодий ишлар тажрибали тажрибали театрлардан қолишмайди.

1984 йилнинг 27 апрель санасида вилоят театрининг ҳозирги мухташам биноси фойдаланишга топширилди. Бу Сирдарёлик театр санъати ихлосмандлари ва ижодкорлари учун катта қувонч бағишлади. Барча қулайликларга эга бўлган янги бинода ижодкорлар янада сермҳсул ижод бағрига шўнғиб, бири-биридан қизиқарли, бадиий юксак савиядаги спектаклларни сахналаштириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театрнинг бош режиссёри марҳум Р.Орифжонов, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, театрнинг собиқ директори А.Файзуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби санъатшунослик фанлари номзоди, Театр ва рассомлик санъати институти режиссёр ва актёрлик маҳорати кафедраси мудири, доцент И.В.Радун, шу институтнинг катта ўқитувчиларидан Н.П.Никифорова, Самарқанд опера ва балет театри балетмейстри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби А.Мўминов ўртоқларнинг театрни ташкил этиш, спектакль ва концерт программаларини тайёрлаш малакали мутахассис ёшларни жалб этиш борасидаги хизматлари бекиёсдир. Театрининг ижодий жамоаси иш бошиданоқ қадамни катта олган ва Ҳ.Х.Ниёзийнинг “Бой ила хизматчи”, У.Ҳожибековнинг “Аршин мол олон”, А.Қаҳҳорнинг “Муҳаббат” асарлари сахналаштирилиши ёш театрнинг улкан келажагидан долат берган. Институт аудиториясидан эндигина сахна ҳаётига қадан қўйган Озода Абдуллаева, Матлуба Ражабова, Акмал Азизов, Азиз Усмонов сингари ёш актёрлар спектакллардаги бош ролларни маҳорат билан ижро этган.

Сирдарё театри равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк режиссёрлардан тортиб ёш мутахассисларгача бу жамоа билан ҳамкорлик қилиш ҳар доим мароқ бағишлашини таъкидлашган. Ана шундай режиссёрлардан Р.Орифжонов, Ғ.Ҳамидуллоев, Ўзбекистон халқ артисти Б.Йўлдошев, Ўзбекитон санъат арбоби М.Муҳаммедов, Ўзбекитон санъат арбоби Ж.Маҳмудов, Ўзбекитонда хизмат кўрсатган артист В.Умаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маматхон Асқаров, истеъдодли режиссёрлар Г.Нажидова, С.Мелиев, Ж.Рўзетов, Н.Ғойибназарова, М.Холиқов ва бошқалар театр репертуарини шакллантириб, ижодий жамоага бевосита устозлик қилдилар. Театр жамоаси сўнги йиллар давомида маҳоратли режиссёрлар томонидан сахналаштирилган У.Шекспирнинг «Ричард III»,

«Қирол Лир», Ж.Молернинг «Сохта оқсуяк», А.Чеховнинг «Чорбоғдаги хангомалар», Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» ва «Майсаранинг иши» асарлари, Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун», М.Бобоевнинг «30 ёшлилар», А.Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар», Ж.Махмудовнинг «Аёллар фарёди» Жан Сарроннинг «Маъмура кампир», Ш.Бошбековнинг «Тентак фаришталар», Ҳ.Жовиднинг «Амир Темур», А.Несиннинг «Тарослик ёвуз», Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий», А.Папаяннинг «Чет эллик куёв», А.Жамолнинг «Меҳрибонлар», Х.Хурсандовнинг «Хотинимнинг уч ошиғи», Ғ.Ғуломнинг «Шум бола», Қ.Муҳаммадризонинг «Тўй», Т.Тўланинг «Нодирабегим», Т.Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар», Р.Муҳаммаджоновнинг «Аёл қадри», З.Қуролбой қизининг «Тафаккур», Р.Кунининг «Қўш арава юки», А.Сағареллининг «Хонума хоним», Н.Аббосхоннинг «Инсон ўзинг...» Ч.Айтматовнинг «Момо ер» асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар театрсева томошбинлар қалбидан муносиб жой олди.

2016 йил 29 июлдаги Вазирлар маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ Олим Хўжаев номидаги театр Сирдарё вилояти мусикали драма театри деб атала бошланди.

2017 – 2019 йиллар мобайнида театр биноси тўлиқ реконструкция қилинди. 2018 йилнинг ноябрь ойида театр жамоаси Қозоғистон республикасининг Толдикўрғон шаҳрида ўтказилган VII-Халқаро театр фестивалида иштирок этиб, Ч.Айтматовнинг «Момо ер» спектаклини намоиш этди ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Маматиллаохунова Тўлғаной роли учун «Энг яхши аёл роли», Ўзбекистон санъат арбоби Шухрат Абдумаликов эса «Энг яхши сценография» номинацияларини қўлга киритдилар.

Сирдарё театрининг узоқ йиллик сермахсул ижод йўлини шакллантиришда фидойилик билан меҳнат қилган марҳум устоз санъаткорлар: Тўлқиной Қосимова, Тўлабой Қаноатов, Моҳинисо Бобожонова, Рустам Ҳамдамов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ақида Ҳайитова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рўздат Каримов, устоз санъаткор Мухторхон Одилов ва бошқалар ҳаётларининг сўнгги дамигача саҳнага содиқ қолдилар.

Сирдарё театрининг ривожига ташкил топган кунидан бугунги кунга қадар улкан ҳисса қўшиб келаётган устоз санъаткорлар бугун давлат эътибори, томошабин этирофида. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Адҳам Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озода Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Жумаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулфия Эшмуратова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлюда Маматиллаохуновалар ана шундай забардаст санъаткорлардир. Устозлар анъанасини давом эттириб, муқаддас саҳна сирларини пухта эгаллаган «Дўстлик» ордени нишондори Иброҳим Қосимов, «Шухрат» медали соҳиби Фарход Ўринов, Раъно Юнусова, Шухрат Абдуллаев, Илҳом Аллаёров, Лютфихон Маманзарова, Дилором Мирсолиева, Қандиёр Рустамов, Шерзод Каттабобоев, Раъно Ҳайитова, Нафиса Холматова, Ҳусан Мусурмонкулов, Муроджон Жуманов, Санжар Маманазаров, Қобил Файзуллаев, Гулнора Муҳамедова, Аслиддин Насриддинов, Ғайрат Бозоров, Бобур Бойзоқов, Бекзот Мирсаитов каби Сирдарё театри анъаналарини давом эттириб келаётган кейинги авлод вакиллари ҳар бири ўзига хос ижодий изланишлари билан театр ихлосмандлари нигоҳида.

4.Хулосалар:

Мухтасар қилиб айтганда театрлар орасида бугунги кунда мусикали драма театрининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Сабаби, мусикали драма театрда саҳналаштирилган асарларда айнан асар бадиияти нафақат сўз ва хатти-ҳаракатга, балки мусика ва арияларга қурилади. Бу эса томошабин учун шубҳасиз илиқ таъсир қилади ҳамда театр ижодкорларининг профессионал санъаткор сифатида шаклланишига туртки бўлади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Сирдарё область ўзбек давлат музикали драма театри. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1981. (Sirdarya Oblast Uzbek State Musical Drama Theater. Gafur Ghulam Literary and Art Publishing House. T. 1981.)

2. Сирдарёдаги улуғ ўзгаришлар. Тафаккур нашриёти. Т. 2019. (Great changes in Syrdarya. Tafakkur publishing house. T. 2019.)
3. Болтабоева У. Мусикали драма театрларининг ривожланишида тарихий асарларнинг роли. "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - Issue 6 / 2021. (Boltaboeva U. The role of historical works in the development of musical drama theaters. "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - Issue 6 / 2021.)
4. Абдуллаев Х.С., Берикбаев Р.Б. Сырдарьинская область. Ташкент, «Узбекистан». 1976. (Abdullaev Kh.S., Berikbaev R.B. Syrdarya region. Tashkent, "Uzbekistan". 1976.)
5. Ходжиев М.Т., Қудратов С., Самадов Б. Сирдарё тарихи. – Гулистон: 2020. (Khodjiev M.T., Gudratov S., Samadov B. History of Sirdarya. – Gulistan: 2020.)
6. Пардаев М. Нурли манзиллар. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. (Pardaev M. Bright addresses. - Tashkent: Turon zamin ziya, 2017)
7. Рахмонов Н., Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 156-157. (Rakhmanov N., Umaraliev A. Essays on the history of culture of Soviet Uzbekistan. - Tashkent: Teacher, 1984. - B. 156-157)
8. Эралиев Б. ва бошқалар. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари). IV китоб. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. 228 б. (Eraliev B. and others. Shrines and shrines of Uzbekistan (Syr Darya and Jizzakh regions). Book IV. - Tashkent: Turon zamin ziya, 2017. 228 p.)
9. <https://lex.uz/uz/docs/534682?ONDATE=12.01.2022%2000>
10. <https://xs.uz/uzkr/post/rekonstruktsiya-qilingan-sirdaryo-viloyat-musiqali-drama-teatri-fojddalanishga-topshirildi-yakshanba-teatr-kuni-deb-belgilandi>

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000